Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

● 2012-yil, 20-mart. Seshanba ● 36-37 (31.469) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

«Наврўз — 2012»

## ҲАМЖИҲАТЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТ ИФОДАСИ

*Ўзбекистонда 17-18 март кунлари бўлиб ўтган умумхалқ хайрия ҳашарида ўн етти миллион нафардан зиёд киши иштирок этди*

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 мартдаги фармойишига мувофиқ, мамлакатимизда март-апрель ойлари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари деб эълон қилинди ва шунинг доирасида 17-18 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди.**

Ҳашар юртимизнинг барча шаҳар, қишлоқ ва овулларида, таълим масканлари, меҳнат жамоаларида катта кўтаринки руҳда ўтди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг жойлардаги тузилмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, корхона ва ташкилотлардаги махсус ишчи гуруҳлар ҳашарни мувофиқлаштириб борди.

Умумхалқ хайрия ҳашари давомида ҳудудлардаги турар-жой мавзелари, бинолар, иншоотлар ва ҳовлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар, қабристонлар, ариқлар, болалар майдончалари тартибга келтирилди. Томорқалар, боғлар, сув бўйларига, далалар атрофига гул кўчатлари, мевали, манзарали дарахтлар экилди, мавжуд дарахтларга шакл берилиб, оқланди, кўча ва йўлаклар орасталанди ва маиший чиқиндилар белгиланган жойларга чиқарилди.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондидан маълум қилишларича, умумхалқ хайрия ҳашарида ўн етти миллион нафардан зиёд киши қатнашган. 35 минг гектардан кўпроқ майдон ободонлаштирилган. 30 миллион туп мевали, манзарали дарахтлар ва гул кўчатлари ўтқазилган.

Ҳашар кунлари халқимизнинг меҳр-оқибат, хайр-саховат, ўзгалар кўмагига муҳтожларни қўллаб-қувватлаш каби қадриятлари янада кенг намоён бўлди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар ва ёшлар ташкилотлари фаоллари, тадбиркорлар, фермерлар ҳамкорлигида бу борада жойларда кўплаб хайрия тадбирлари ташкил этилди.

Ҳашар кунлари жойларда бир қатор янги иншоотлар фойдаланишга топширилди. Бу — янги иш ўринлари ташкил этиш, болалар ва ўсмирлар спорт майдончаларини кўпайтириш, янги боғлар барпо этиш имконини яратди. Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманидаги «Ақчакўл» ва «Шарқ юлдузи» овул фуқаролар йиғинида ва «Бўстон» шаҳарчасида маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, Сирдарё вилояти Сайхунобод туманида спорт мажмуаси, Хоразм вилояти Гурлан туманидаги «Гурлан» шаҳарча фуқаролар йиғини ҳудудида маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, Янгибозор туманидаги «Ширинкўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида янги гўзаллик салони ва савдо дўконлари аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

— Туманимизда ҳашар ҳамжиҳатлик билан ўтказилди, маҳалла аҳли, ёшу қари, турли миллат вакиллари аҳил-иноқликда ҳудудларни тартибга келтириш, йўл ёқалари, ҳовлилар, кўп қаватли уйларнинг олдига дарахт ва гул кўчатлари экиш ишларида фаол иштирок этди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Мирзо Улуғбек тумани бўлими раисининг ўринбосари Нурхон Алланазарова. — Оқибат, Оққўрғон, Мирзакалон Исмоилий, Нодирабегим номидаги маҳаллаларда сумалак сайиллари ташкил этилди. Бу жараёнда халқимизнинг меҳнатсеварлик, ижодкорлик, табиатга муҳаббат, шукроналик каби фазилатлари яна бир намоён бўлди.

Ҳашар муносабати билан ишлаб топилган бир кунлик иш ҳақи Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, унинг вилоят ва туман бўлимлари ҳисобрақамига ўтказилади. Бу маблағ «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш, кам таъминланган оилаларга, ногирон ва ёлғиз кексаларга моддий-маънавий кўмак бериш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллалардаги спорт майдончаларини таъмирлаш, уларни зарур жиҳозлар билан таъминлаш каби хайрли тадбирларга йўналтирилади.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази



## ОИЛА — МУҚАДДАС ДАРГОҲ

*ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Тошкент вилоятида ўтказилган навбатдаги ижтимоий-сиёсий ва маданий тадбир шундай номланди*

**«Маънавият» асосий тушунчалар изоҳли луғатида маҳаллага шундай таъриф берилган: «Жамият ҳаётида тинчлик ва осойишталикни, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни сақлашда меҳр-оқибатлилик, шафқат ва мурувват каби қадриятлар билан ҳар қандай мавжуд муаммоларнинг ечимини топа оладиган ижтимоий ҳодиса». Шундан бўлса керак, маҳалла институти бугун дунёнинг кўплаб мамлакатларида бошқарувнинг ўзига хос ва ноёб шакли сифатида эътироф этилмоқда, унга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда.**

«Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси асосида Чиноз туманидаги «Эски Тошкент» қишлоқ фуқаролар йиғинида ташкил этилган форумда партия фаоллари, депутатлар, электорат вакиллари, Марказий банк Тошкент вилояти бўлими ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Тадбирни ўтказишдан мақсад — одамларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада кучайтириш, бунда маҳалла институтининг ўрни ва аҳамияти ҳақида кенг тушунча бериш ҳамда бу йўлда фаоллик кўрсатаётган инсонларни рағбатлантириш, — дейди **ЎзХДП Тошкент вилояти кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Сирожиддин Аъзамов.** — Қолаверса, лойиҳа доирасида касб-ҳунар коллежи битирувчилари ва ёшларни иш билан таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш ва партиямизнинг дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, шу каби муҳим масалалар юзасидан мулоқот олиб боришга ҳаракат қилаяпмиз. Шундай тадбирларни вилоятимизнинг бошқа кўпгина шаҳар ва туманларида ҳам ўтказиш режалаштирилган.

*(Давоми 2-бетда.)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2012 йил 21 март чоршанба дам олиш куни 22 март пайшанба кунига, 25 март якшанба дам олиш куни 23 март жума кунига кўчирилсин;

2012 йил 21 март чоршанба ва 25 март якшанба кунлари иш кунлари деб эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2012 йил 19 март*

## СУВ ТАЪМИНОТИ

*яхшиланмоқда*

**Мамлакатимизда ичимлик сувидан тежамкорлик билан фойдаланиш, уни аҳолига етказиб бериш сифатини яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**



Қарши шаҳар «Сувоқова» корхонаси томонидан аҳоли эҳтиёжи учун бир кеча-кундузда 75-80 минг метр куб ҳажмда ичимлик суви етказиб берилмоқда. Бунда 17 сув узатиш насос станциясидан самарали фойдаланилаётир.

— Ҳудуд аҳолиси ичимлик суви билан 425 километр узунликдаги қувурлар орқали таъминланмоқда, — дейди Қарши шаҳар «Сувоқова» корхонасининг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Аҳмад Салимов. — Бу борадаги ишлар сифатини яхшилашнинг энг муҳим омилларидан бири мунтазам равишда ана шу қувурлар созлигини таъминлашдир. 2010 йили ҳудуддаги ўн иккита маҳаллага қувурлар тортиш ва иккита насос станцияси ускуналарини мукаммал таъмирлаш учун қарийб 925 миллион сўм маблағ сарфланди. Ўтган йили эса ҳудуд аҳолисига намунали хизмат кўрсатиш мақсадида 530 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди.

Кейинги йилларда Қарши шаҳри аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш сифатини янада яхшилаш мақсадида қатор инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бу борада қилинган ишлар натижасида 90 километрга яқин қувур тортилди, бир неча сув кўтариш ва узатиш станциялари технологик жиҳатдан замон талаблари асосида такомиллаштирилди.

Бунинг самарасида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш сифати яхшиланди. Бироқ, бу борада ҳали қилинадиган ишлар кўп.

Маълумотларга кўра, Қарши шаҳрида ичимлик суви қувурларининг катта қисми ўтган асрнинг 60-70 йилларида тортилган бўлиб, маълум қисмининг яроқлилик муддати тугаган. Қарши шаҳар «Сувоқова» корхонаси мутахассислари томонидан ўтказиб бориладиган хатлов натижалари бир неча километрлик ичимлик суви қувурларини алмаштириш эҳтиёжи борлигини кўрсатди.

Ана шундай ҳолатлар инобатга олиниб, Қарши шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ҳудуд аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш сифатини яхшилаш бўйича 2012 йил учун мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди. Унга асосан 13 километрдан ортиқ сув қувурларини тортиш ва таъмирлаш ишлари белгиланди. Айни пайтда бу борада амалий ишлар бошланди.

**Феруз ХОЛМИРЗАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Муносабат

## ШИФОКОР СИФАТИДА ҲАМ, ДЕПУТАТ СИФАТИДА ҲАМ

*зиммамдаги масъулиятни чуқур англадим*

**Президентимизнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқини тинглаб, қалбимда фахр-ифтихор туйғулари уйғонди, инсон қадри улуғланган, аёл эъзоз топган шундай юртда яшаб, меҳнат қилаётганимдан ғурурландим.**

Юртбошимиз истиқлол йилларида мамлакатимизда, хусусан, пойтахтимизда амалга оширилган бетакрор ўзгаришлар, янгиланишлар, бунёдкорликлар ҳақида тўхталди, халқимизнинг илм-фан, таълим, маданият ва бошқа кўплаб соҳаларда эришаётган улкан ютуқларини эътироф этди.

Бундан ташқари, маърузада соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели ҳамда уларнинг самарасига алоҳида урғу берилди. Касбим шифокорлик бўлгани боис, бу борада айтилган ҳар бир сўзни жон-қулоғим билан тингладим, одамлар саломатлигини асраш йўлидаги барча эзгу саъй-ҳаракатлар аҳамияти ва мазмун-моҳиятини яна бир бор юрак-юракдан ҳис қилдим.

Кейинги йилларда пойтахтимизда аҳолига ҳар жиҳатдан сифатли тиббий хизмат кўрсатишнинг ноёб тизими шаклланди. Бугун ҳар бир шифохона, оилавий поликлиника ва бошқа тиббий муассасалар энг сўнгги медицина ҳамда диагностика асбоб-ускуналари билан таъминланган. Таъкидлаш жоизки, она ва бола замонавий скрининг марказлари ташкил этилиши туфайли ирсий, ногирон ва туғма нуқсони бор чақалоқлар туғилиши кескин камайди. Яқин кунларда Тошкент шаҳрида кардиохирургия маркази ишга туширилиши ҳам бу борадаги ислоҳотларнинг кўлами янада кенгаяётганидан далолат беради.

Бир сўз билан айтганда, мазкур сессияда иштирок этиб, шифокор сифатида ҳам, депутат сифатида ҳам зиммамдаги масъулият юкини чуқур англадим. Ўйлайманки, унда қатнашган барча депутатлар ўзларини мамлакатимизда рўй бераётган барча ўзгаришларга дахлдор эканини, ислоҳотлар йўлида фаоллик ва ташаббускорликни янада кучайтиришлари лозимлигини яна бир бор теран ҳис этишди.

**Муқаддас РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
**халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати,**
**44-оилавий поликлиника бош шифокори.**

## ПОЙТАХТИМИЗ ҚИЁФАСИ ЯНАДА ЧИРОЙ ОЧАДИ

*бунга ҳар биримиз ҳисса қўшишимиз лозим*

**Президентимизнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши навбатдан ташқари сессиясидаги нутқини барча иштирокчилар, жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган депутатлар ҳам катта қизиқиш ва эътибор билан тинглади. Бу, бежиз эмас, албатта. Зеро, Юртбошимизнинг маърузаси бевосита партиямиз электорати манфаатларини ҳам ифода этади.**

Айниқса, пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмини тубдан қайта қуриш ва бу ерда шаҳарсозликни янада ривожлантириш ҳақидаги сўзлар бизни қаттиқ ҳаяжонга солди. Чунки бу аҳолининг турмуш даражаси ошишига, шаҳарнинг ижтимоий, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси замон талаблари асосида шаклланишига, ўз навбатида, даҳаларни ичимлик суви, канализация тизими, иссиқлик ва электр энергияси билан таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш жараёнида миллий меъморчилик анъаналарининг ўзига хос хусусиятларини сақлаб қолиш, бетакрор тарихий обидаларга эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг замирида эса мамлакатимиз, миллатимиз фахри бўлган ноёб осори-атиқаларни келажак авлод учун асраб-авайлашдек эзгу мақсад мужассам.

Гўзал пойтахтимизнинг янада обод, янада фусункор бўлишига ҳар биримиз муносиб ҳисса қўшишимиз, бу борада ўз таклифларимиз билан чиқиб, бунёдкорлик ишларининг фаол иштирокчиси бўлишимиз лозим.

**Учқун ШОЙИМҚУЛОВ,**
**ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 20 МАРТДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1948,84 | 1 АҚШ доллари | 1839,40 | 1 Хитой юани | 291,10 | 1 Польша злотийси | 587,95 | 1 Евро | 2407,26 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2912,32 | 1 Миср фунти | 304,94 | 1 Россия рубли | 62,65 | 1 СДР | 2817,94 | 10 Жанубий Корея вони | 16,37 |
| 1 Дания кронаси | 325,79 | 1 Исландия кронаси | 14,55 | 1 Украина гривнаси | 230,39 | 1 Туркия лираси | 1025,82 | 10 Япония иенаси | 220,39 |
| 1 БАА дирҳами | 500,80 | 1 Канада доллари | 1855,92 | 1 Малайзия ринггити | 602,88 | 1 Швейцария франки | 2007,42 | | |



* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЎзХДП: Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими

# ЎҚУВЛАРНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ТАШКИЛ ЭТИШ

## *партия аъзолари ва электорат вакилларининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошишига хизмат қилади*

**Мустақил дунёқарашга эга, сиёсий билими юқори, бир сўз билан айтганда, маърифатли киши давлат ва жамият олдидаги бурчини чуқур ҳис этади ва астойдил ишлайди. Бундай кишилар ҳар бир воқеа-ҳодисага синчковлик билан қарайди, камчиликларни муҳокама қилиб, уни бартараф этишга доир аниқ фикр айта олади. Шундан бўлса керак, партиямиз сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ўтказилаётган ўқувларни юқори савияда ташкил этишга, эркин мулоқот тарзида ўтказишга, уларнинг таъсирчанлигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.**

Партия ғояларини тарғиб қилиш ва ижтимоий-сиёсий жараёнга электорат вакилларини кенг жалб этиш мақсадида ЎзХДП Хоразм вилоят, шаҳар ва туман партия ташкилотларида ўтган йили 300 дан ортиқ сиёсий ўқув ўтказилди. Уларда Президентимиз маърузалари мазмун-моҳиятини тушунтириш, депутатлик назоратини қўллаш амалиётини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, электорат манфаатини ҳимоя қилишда партия фаоллари ва депутатлар иштирокини кенгайтириш каби қатор масалалар муҳокама этилди. Тадбирларга вилоят партия кенгаши ҳузуридаги тарғиботчилар ҳамда экспертлар гуруҳи аъзолари, депутатлар, ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос олимлар ҳамда тегишли соҳа мутахассислари жалб қилинди.

— Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувларни асосан давра суҳбати, семинар, баҳс-мунозара ва конференция, маҳорат дарслари ҳамда жонли мулоқот тарзида ўтказдик, — дейди **вилоят кенгаши раиси, вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Раимберган Сабуров.** — Айниқса, семинар-тренингларни интерфаол усулда ўтказиш яхши натижа берди. Масалан, машғулотларда тингланган маърузалар асосида баҳс-мунозара ва чиқишларга кенг ўрин бердик. Яъни, иштирокчилар кичик гуруҳларга бўлиниб, мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини айтишди. Экспертлар гуруҳи эса уларнинг мавзу доирасидаги тасаввур ва тушунчасини, билимини баҳолаб борди. Фаол ҳамда амалий таклиф билан чиққан иштирокчилар рағбатлантирилди.

Бу, ўз навбатида, қатнашчиларнинг мавзуга чуқур кириб бориши, унга доир фикрларни эркин баён этиб, фаол бўлишига имкон берди.

Сиёсий ўқувлар самарадорлигини оширишда мавзунинг мазмун-моҳиятини содда тилда, мисоллар билан тингловчига тушунтириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, маърузачилар ҳар бир фикрни ҳаётий мисоллар орқали ифодалаб беришга ҳаракат қилди. Шунингдек, суҳбатлар асносида демократик ислоҳотларда иштирок этиш, маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари ташаббускорлигини ошириш, партия электорати манфаатларига жавоб берадиган, партия дастурий ҳужжатларида акс этган ижтимоий масалаларни жойларда ҳал этиш масаласида ибрат кўрсатиш лозимлиги таъкидланди.

Бошланғич ташкилот аҳолига энг яқин бўғин. Шу маънода, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий билимини оширишга қаратилган ишлар самарадорлиги кўп жиҳатдан уларнинг фаоллигига боғлиқ. Айни чоғда вилоятда ЎзХДПнинг 718 та бошланғич ташкилоти бор. 2011 йил сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими доирасида ташкил этилган тадбирларнинг 157 таси қуйи бўғинларда ўтказилди. Уларда долзарб мавзулар кун тартибига қўйилди.

Хусусан, **«ЎзХДП ташкилотларининг кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгиланишлардаги фаол иштирокини таъминлаш», «Сиёсий партиялар ва ёшлар», «Мустақиллик — улуғ неъмат», «Концепцияда белгиланган демократик ислоҳотларнинг бугунги босқичида фуқароларнинг сиёсий-иқтисодий фаоллиги ва партия электоратининг ҳуқуқий билими ҳамда бу борада ЎзХДПнинг ўзига хос ёндашуви», «20 йиллик мустақил тараққиёт: сиёсий партияларнинг ҳуқуқий асослари, ЎзХДП имкониятлари ва мамлакат ҳаётидаги иштироки»** каби мавзуларга кенг урғу берилди. Айниқса, Президентимиз илгари сурган Концепция тарғиботи ҳамда «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини ўрганишга бағишланган ўқувлар таъсирчан ўтиб, кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, машғулотларда мавзуга доир адабиётлар ва услубий қўлланмалар тарқатилгани иштирокчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошишига хизмат қилмоқда. Бу борада партия тизимида ташкил этилган ахборот-ресурс марказлари, сиёсий технологиялар имкониятларидан кенг фойдаланиш яхши самара бераяпти.

Жорий йилдаги сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувларда мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлашга қаратилаётган эътибор, ёш оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари ҳақида баҳс этилади.

●●●

*Бироқ ҳамма жойда ҳам иш талаб даражасида деб бўлмайди. Вилоят партия кенгаши раисининг айтишича, Шовот туманида тадбирларни замонавий технологиялар асосида ўтиш, сиёсий ўқувларни юқори савияда ташкил этиш масаласига жиддий эътибор қаратилмаяпти. Бошланғич ташкилотларда машғулотларнинг аксарияти хўжакўрсинга ўтказилаяпти. Туман партия кенгаши фаоллари мазкур камчиликдан тегишли хулоса чиқариб фаолиятини жонлантирмаса, партия обрўсига путур етказиши мумкин. Чунки қайси йўналиш ва бўғинда бўлишидан қатъи назар, ишни тўғри йўлга қўйган партиягина жамиятда ўз ўрнига эга бўлади, нуфузи мустаҳкамланади.*

**Лазиза ШЕРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази



Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

# ОИЛА — МУҚАДДАС ДАРГОҲ

## *ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Тошкент вилоятида ўтказилган навбатдаги ижтимоий-сиёсий ва маданий тадбир шундай номланди*



— Ҳозир қишлоқ фуқаролик йиғинида 13 та маҳалла бўлиб, 16 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди **«Эски Тошкент» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Чиноз туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Анвар Собиров.** — Маҳалла оқсоқоллари ва маслаҳатчилари билан ҳамкорликда фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни доимий меҳнат билан банд бўлишига кўмаклашиш ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали маҳалла аҳлининг турмуш фаровонлигини оширишга катта эътибор қаратаяпмиз. Бу борада бизга ЎзХДП Марказий Кенгаши ва кўплаб жамоат ташкилотлари амалий ёрдам бермоқда. Мустаҳкам оила йили муносабати билан «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» доирасидаги тадбирларнинг мунтазам ташкил этилаётгани ҳам шундан далолатдир.

Тадбир давомида хотин-қизларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, уларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган режалар бўйича фикр алмашилди. Шунингдек, йиғилганларга бошланғич сармояларни шакллантиришда микромолиявий хизмат кўрсатишнинг аҳамияти ҳақида чуқур тушунча берилди. Ўз бизнесини очмоқчи бўлган қишлоқ ёшларига Марказий банкнинг вилоят бўлими ҳамда тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

— Халқимизнинг энг севимли айёмларидан бири — Наврўз байрами арафасида ўтказилаётган бугунги тадбир кўтаринки руҳда ўтмоқда, — дейди **«Бешкапа» маҳалласи оқсоқоли Бекпошша Холматова.** — Ҳозир бизнинг маҳалламиздаги ўз касбининг фидойиси бўлган, фаол ва ташаббускор фуқароларга ҳам сертификатлар топширилди. Бу сармоялар уларнинг ўз ишларини бошлаши, янги иш ўринлари яратиши, энг муҳими, оилалар даромади ва фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

— Кўп йиллардан бери ўқитувчилик қиламан, — дейди **«Микрокредитбанк» сертификатини олган Раъно Каримова.** — Оила аъзоларим билан ишдан узилмаган ҳолда, ўз шахсий бизнесимизни йўлга қўймоқчимиз. Бизнинг ҳудудда паррандачиликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит мавжуд. Мазкур маблағни шу мақсадга сарфламоқчиман. Бу эса оиламиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўкинлигини таъминлаб қолмай, бир нечта янги иш ўрни очиш учун замин яратади.

— Тадбирда «Эски Тошкент» қишлоқ фуқаролари йиғинида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқароларга сертификатлар топширдик, — дейди **ОАТБ «Микрокредитбанк» Чиноз тумани бўлими бошлиғи Дилмурод Қосимов.** — Улар ўз ишини йўлга қўйиш учун банкимиздан имтиёзли кредит олиш имконига эга бўлди.

— Бугунги тадбир ҳаётимда унутилмас воқеа бўлди, — дейди **Арофат Ўринбоева.** — Чунки, фаолиятимни янада кенгайтириш учун «Ҳамкорбанк»дан 73 миллион сўмлик кредит олдим. Уни янги тикув цехи очиш учун сарфлайман. Бу тадбирни ташкил этган Халқ демократик партиясидан миннатдорман.

Бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишни мақсад қилган ёшлар ҳар бир ҳудудда кўплаб топилади. Тадбирда ана шундай ёшларга ЎзХДП аъзолик билетлари топширилди.

— ЎзХДПга аъзо бўлишдан асосий ниятим — унинг инсонпарвар ғояларини амалга оширишда ҳисса қўшиш эди, — дейди **бошланғич партия ташкилоти етакчиси Бекзод Ширинхонов.** — Шу мақсадда турли тадбирлар ўтказиб келаяпмиз. Партиямиз сафида кенг дунёқараш ҳамда юқори интеллектуал салоҳиятга эга ёшларнинг кўпайиб бораётгани бизни қувонтиради.

Тадбир давомида янги иш ўринлари ташкил этиш, касаначиликни ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида барчага ибрат бўлаётган энг илғор маҳалла оқсоқолларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Нурали ОРИПОВ**

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

ЎзХДП: Жамоатчилик қабулхоналарида

ЎзХДП Олмазор туман Кенгаши ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхонаси ишни тўғри ва самарали ташкил этгани, мурожаатларни ўрганиш ҳамда ундаги муаммоларни ҳал этишда яхши тажриба тўплагани билан бошқаларга ибрат бўлмоқда. Ўтган йили 66 нафар фуқародан турли масалалар бўйича мурожаат тушди. Туман кенгаши фаоллари, депутатлар саъй-ҳаракати билан бу масалаларга тегишли идора ва ташкилотлар томонидан эътибор қаратилди ва уларнинг 90 фоизи ижобий ечим топди.

# ОДАМЛАР ИШОНЧИГА САЗОВОР БЎЛИШ

## *мурожаатларнинг ҳар бирига эътибор ва масъулият билан ёндашишни талаб қилади*

— Жамоатчилик қабулхонасига кўпроқ коммунал хўжалик, ишга жойлашиш, тиббий ёрдам бўйича мурожаатлар бўлмоқда, — дейди туман Кенгаши раиси **Камолиддин Акрамов.** — Партиямизнинг жамиятда мавқеи қандай бўлиши одамларнинг аризаларига муносабатимизга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунинг учун мурожаатларга жиддий қараймиз. Бу борада бизга депутатларимиздан Фарҳод Анорметов ва Мақсуд Қосимов, шунингдек, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги туман бўлими, «Маҳалла» хайрия жамғармаси кўмаклашмоқда. Бундан ташқари, қабулхонамиз қошида «Ёшлар ҳуқуқий маслаҳатхонаси» ҳам ташкил этилган. Туманимиздаги 11-Давлат нотариал идораси нотариуси, ҳуқуқшунос Раҳима Жўраева жамоатчилик қабулларида фаол иштирок этиб келмоқда.

— Бу йил қиш жуда қаттиқ келганидан, уйимизда газ таъминоти билан боғлиқ муаммо пайдо бўлди, — дейди «**Бешкўрғон» маҳалласида истиқомат қилувчи Абдураззоқ Содиқов.** — Шу боис, ЎзХДП Олмазор туман кенгаши ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилдим. Партия фаоллари туман газ таъминоти билан боғланиб, бу муаммони ижобий ҳал этишга ёрдам берди.

— Хонадонимизда оқова сувнинг чиқиш йўли беркилиб, кўп ташвиш келтирди, — дейди **Ғани Аъзамов номли маҳаллада яшовчи Аҳмаджон Тошпўлатов.** — Шундан сўнг Жамоатчилик қабулхонасидан ёрдам сўрадим. Натижада бу масала Тошкент шаҳар ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бош бошқармасининг туман бўлими орқали ҳал этилди. Мурожаатимизга ўз вақтида жавоб берган ва амалий ёрдам кўрсатган партияга ишончим янада ортди.

Ишга жойлашиш учун кўмак сўраган ёшлар ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Хусусан, ўтган йили тумандаги касб-ҳунар коллежи битирувчиларидан 11 нафари нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган «Бекасфуд» корхонасига ишга жойлаштирилди. Бундан ташқари, бу борада мурожаат қилганлар хусусий тадбиркор Дониёр Исҳоқовнинг қандолатчилик цехи ва «Акмал Зиё» масъулияти чекланган жамиятда иш билан таъминланди.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси Олмазор туман кенгаши бизнинг энг яқин ҳамкоримиз, таъбир жоиз бўлса, суянчимизга айланган, — дейди **106-заиф эшитувчи махсус болалар мактаб-интернати директори Мухтабар Алимтаева.** — Бирор тадбир ўтказадиган бўлсак, партия вакиллари ёнимизда туриб, қўллаб-қувватлашади, ўз маслаҳатлари ва амалий ёрдамларини аяшмайди. Тарбияланувчиларимизни цирк, Ёш томошабинлар ҳамда Ўзбекистон миллий академик драма театрига сафарини ташкил этиш, уларни қишки кийим-кечак билан таъминлашда ҳам қўшимча ёрдам кўрсатиб келишмоқда. Энг муҳими, туман Кенгаши ёки Жамоатчилик қабулхонаси мурожаатларимизга ҳар доим эътибор билан қарайди.

Сиёсий партия халққа қанчалик яқин бўлса, одамларнинг унга бўлган ишончи шунча ортади. Бу борада Жамоатчилик қабулхоналарининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Фуқароларнинг ҳар бир мурожаатига эътибор ва масъулият билан ёндашиш эса партия нуфузининг ошиши ҳамда ўз дастурий мақсадларига эришиши учун катта замин ҳозирлайди.

**Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Партияларaро баҳс

# НОМИГА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАР

## *«Адолат» СДПнинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросига хизмат қиладими?..*

Депутат — эл ишонч билдирган одам. У фаол ва ташаббускор бўлса, электорат ундан миннатдор бўлади. Айни чоғда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожи тезлашади, бу борада ҳаётий таклиф ва ташаббуслар кўпаяди.

Аммо сиёсий партияларнинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари одамларнинг оғрини енгил қилиш, маҳаллий ижро ҳокимияти эътиборини ҳудудлардаги муаммоларга қаратиш ўрнига, юзаки тадбирлар билан шуғулланса, имкониятни бой беради, ўзига билдирилган юксак ишончни оқлай олмайди. Бугунги депутат катта ҳуқуқ ва ваколатга эга. Жойларда давлат ва маҳаллий ривожланиш дастурлари ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш, электорат манфаатини самарали ҳимоя қилиш унинг бурчи ҳисобланади. Бунга лоқайд қараган депутат ёки депутатлик гуруҳи ташаббус билан чиқа олмайди, хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ таклиф билдиролмайди.

Сирдарё вилоят Кенгашидаги «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи фаолиятини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Ўтган йили вилоят Кенгашининг 6 та сессияси бўлган. Уларга ЎзХДП депутатлик гуруҳи 2 та («Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган депутатлик гуруҳларининг аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ишларни ташкил этишдаги иштироки тўғрисида», «Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган Дастури асосида Сирдарё вилояти Гулистон ва Янгиер шаҳарлари доришунослик ва саноат корхоналарига янгиланиш жараёнлари, янги техника ва технологияларнинг жорий этилиши ва модернизациялашда Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатларнинг роли тўғрисида») масала киритган. Бироқ «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан партиянинг Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, биронбир таклиф киритилган эмас. Депутатлик гуруҳи раҳбари халқ депутатлари вилоят Кенгаши раисига шу йил 11 февралда йўллаган ҳисобот хатида буни очиқ тан олади. Унда, хусусан, шундай дейилади: **«...депутатлик гуруҳи томонидан Давлат дастурларининг, қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминлашга етарлича эътибор қаратилмади. Жойлардаги депутатларимиз ҳам ўз ваколатидан унумли фойдалана олмадилар. Жойлардаги муаммоларни бартараф этиш учун сўров хатлари билан чиқиб, фаоллик кўрсатмадилар...».**

Депутатлик гуруҳи раҳбари «Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисида»ги Сенат қарорининг, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан Асаб ва руҳий касалликлар шифохонаси, Маънавият ва маърифат маркази, вилоят сил касалликлар шифохонаси, Ховос туманидаги электр тармоқлари корхонасида ва бошқа ҳудудларда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилганини қайд этади.

**Энди ўйлаб кўрайлик, депутатлик гуруҳи раҳбари таъкидлаганидек, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш Давлат дастури ижросини таъминлашда амалий иштирок этиш бўладими?..**

**«Адолат» СДП раҳбарларининг ўз нашридаги чиқишларида эса «бу катта ютуқларимиз», «залворли ютуқларимиз», «қисқа муддатда катта ишлар қилдик...» каби баландпарвоз гаплар тез-тез учрайди. Партияларaро баҳсга келганда ҳам «адолатчи»лар электоратга фойдаси теккан муҳим тадбирларни эмас, балки турли йиғилишларни санаб, камчиликлардан кўз юмушга ҳаракат қилади.**

Ваҳоланки, «Адолат» СДПнинг Сайловолди дастурига кўра, қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш, уни инновацион-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқда инфратузилмасини янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш каби қатор масалалар партиянинг устувор вазифаларидан ҳисобланади.

Бунда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган бозор ислоҳотлари самарадорлиги ва қишлоқ меҳнаткашларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишда мувозанатни таъминлаш, қишлоқда деҳқонга ижтимоий-иқтисодий пакетдан имкон қадар фойдаланишни кафолатлайдиган меҳнат муносабатларини ҳуқуқий ҳимоялашни янада кучайтириш, таълим муассасаларини тамомлаган ва ишга қишлоқ хўжалик корхоналари билан шартнома асосида қабул қилинган ёш мутахассисларга ғамхўрлик қилиш, қишлоқ ҳудудларини ижтимоий ободонлаштириш асосий йўналишлар сифатида қайд этилган.

Қишлоқлар ривожида, аҳолининг турмуш фаровонлиги ошишида бу вазифалар ижроси муҳим, албатта. Аммо ҳудудий партия ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтирмаган, бу борада аниқ режа асосида ишламаган партия бунга эриша оладими, одамлар ишончини қозонадими?..

Бу саволлар «адолат»чиларни унчалик ташвишга солмаётганга ўхшайди.

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Тарих ҳақиқатлари

# БУГУННИНГ КЕЛАЖАККА ЯХШИЛИГИ

## *ёхуд Наврўз кечмишига бир назар*

**Наврўз айёми миллий-маънавий қадриятларнинг нодир ифодаси – кўзгусидир. Унда халқимизнинг яратувчанлик салоҳияти, миллий ўзига хослиги, урф-одатлари, анъаналари, мумтоз фазилатлари, орзу-умидлари ўз талқинини топган.**



Маълумки, мустабид тузум даврида бошқа бебаҳо тарихий анъаналаримиз қатори Наврўз ҳам қатағонга учради. Узоққа бормай, Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг 1984 йил бўлиб ўтган XVI Пленумини бир эсга олайлик. Унда миллий байрамларимиз ва маросимларимиз «реакцион сарқитлар» деб эълон қилинди. *«Партия ташкилотлари баъзан одамлар онгидаги ўтмиш сарқитларининг социал хавф-хатарига етарли баҳо бермаётганликлари, коммунистларнинг диний маросимларда қатнашиш ҳоллари учраб турганлиги ҳамда дабдабали тадбирлар ҳаддан ташқари кўплиги, одамлар онги ва феъл-атворидаги реакцион сарқитларга қарши... курашдаги ҳужумкорлик ва ва таъсирчанлик бўшаштириб юборилди»,* дейилди, ўша машъум пленумда.

Шундан кейин тарихий қадриятларимизга қарши кураш кескин ва ашаддий тус олди. «Ялла», «алла» деган муборак сўзлар диний атамалар эмасми, деб уни шубҳа остига олиш, Худо, Расул деган номларни йўқотиш, ҳатто классик асарларни «тозалаш» бошланди. Мадрасаю мачитлар заҳарли ўғитлар сақланадиган омборхонага айлантирилгани камлик қилгандек, Ҳайит кунлари одамлар бормасин деб қабристонлар олдига хуфия қўриқчилар қўйилди. Наврўз кунлари фаоллар уймауй юргани, сумалак пиширилаётган дошқозонларни ағдариб ташлагани куни кечагидек ёдимизда.

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларини халқимиз тарихидаги энг оғир ва мудҳиш маънавий қатағон даври, десак, асло муболаға бўлмайди.

*«Яқинда бўлиб ўтган дафн маросимига бағишланган жанозада ВАСХНИЛ академиги С. Х. Йўлдошев, учта фан доктори, бешта фан кандидати қатнашган. Уларнинг кўпчилиги партия аъзоларидир,* — дейилади XVI Пленумда. — *Бу масалада бошланғич партия ташкилоти, Киров район, Тошкент шаҳар партия ташкилотлари сукут сақлаб турганликлари сиёсий жиҳатдан зарарли ва социал жиҳатдан хатарлидир».*

Хатти-ҳаракати **«сиёсий жиҳатдан зарарли ва социал жиҳатдан хатарли»** деб топилган шахслар ишдан четлатилган, айримлари жиноий жавобгарликка тортилган. Бундан даҳшатга тушган кўпдан-кўп раҳбар шахслар шундай вазиятда ўзини четга олган, маросимда иштирок этмаслик учун шошилинч хизмат сафарига жўнаб кетган, аниқ айтганда, шунга мажбур бўлган ёки касалхонага ётиб олган.

Бир сўз билан айтганда, ўша даврда «бўш-баёв, сиёсий ироладан маҳрум, ўз халқининг қадр-қимматини ҳимоя қилишга қодир бўлмаган кишиларнинг Ўзбекистон Компартияси ва республика раҳбариятига келиб қолиши» халқимиз учун жуда қимматга тушган.

Наврўз байрамини йўқ қилишга уриниш, унинг ўрнида коммунистик мафкура тарғиботига хизмат қиладиган «совет удуми»ни жорий этиш ҳаракати шунинг бир мисолидир. 1985 йил 10 июлда Ўзбекистон Компартияси Марказқўми шу мақсадда махсус қарор қабул қилди. Унда белгилаб қўйилдики, **«ўзининг жанговар ва меҳнат жасоратлари билан социалистик Ватан озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилган, унинг куч-қудратини улуғлаган ва юксалтирганларнинг табаррук хотирасини асраб-авайлаш мақсадида Ўзбекистон ССРда Хотира кунини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин. У ҳар йили март ойининг учинчи ўн кунлигининг якшанба кунида нишонлансин».**

Қарорни диққат билан ўқиган одам ундан мақсад — ўтганлар хотирасини эъзозлаш эмас, балки март ойининг учинчи ўн кунлигида байрам қилинадиган Наврўз айёми ўрнида шундай бир тадбир ўтказиш, халқни чалғитиш эканини яхши англайди.

Бу режа амалга ошмагач, Наврўз айёми ўрнида «Навбаҳор» деган байрам ўтказишга уриниб кўришди. Аммо қанчалик зўр бериб тарғиб қилинмасин, бу байрам халқ ҳаётига сингмади ва сохталик намунаси сифатида тарих саҳифасига муҳрланиб қолди.

Мана шундай оғир бир даврда, она тилимиз, тарихимиз ва миллий қадриятларимиз оёқости қилинган, мамлакат маънавий, иқтисодий инқирозга учраган, миллатлараро низо аланга олган кунларда Ислом Каримов Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлади.

«**Ҳатто ўзимиздан чиққан айрим раҳбарлар Наврўз байрамига, миллий кийим-кечакка қарши чиқди,** — деган эди давлатимиз раҳбари 1990 йил февралда. — **Шу даражага бориб етдикки, қариндошини кўмиш маросимида қатнашишга ҳам эскилик сарқити, деб қаралди, бундай одамларга, айниқса, раҳбарларга нисбатан тазйиқ ўтказилди...**

**Шунинг учун бугун бу ишларни қаттиқ қоралаш, халқ анъаналарига, унинг меросига, одамларнинг диний эътиқодларига қатъий ҳурмат ва эътибор билан қараш кераклигини яна бир бор уқтириб ўтмоқчиман».**

Юртбошимиз раҳбарлигида 1990 йил 5 январда халқимизнинг қадимий байрами — Наврўзи оламни қайта тиклаш ҳаракати эл-улус томонидан қизғин кутиб олинди.

**«Биз яқинда бўлажак Наврўз байрамини анъанавий байрам сифатида нишонлаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилдик,** — дейди Юртбошимиз 1990 йил 20 январда. — **Аввало, одамларнинг, бутун халқимизнинг кўпдан-кўп истак ва талабларини ҳисобга олиб, биз бу йил Наврўзни янгичасига, катта умумхалқ байрами сифатида тантана билан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилдик».**

1991 йил 12 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада «Наврўз» умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳақида»ги Фармони эълон қилинди. Унда, **«Республикада инсоний қадриятларни янада камол топтириш, ўзигаўзи ишонч руҳи ва миллий ғурурни мустаҳкамлаш, дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-шафқатни улуғлаш, маданий ва тарихий анъаналарни давом эттириш ҳамда ривожлантириш, асрлар давомида шаклланган урф-одатлар ва удумларни эъзозлаш мақсадида «Наврўз» байрамини кенг нишонлаш»** белгилаб қўйилди.

Наврўз мамлакатимиз раҳбари томонидан умумхалқ байрами деб эълон қилингандан сўнг оммавий ахборот воситалари унга бағишлаб туркум мақолалар, жўшқин шеърлар ва қасидалар, одамларнинг дил сўзлари битилган мактублар тафтидан яшнаб кетган. Уларда эзгулик тантанаси, байрам кайфияти уфуриб турган. Ўша пайтдаги матбуот нашрларида юртимизнинг шаҳар ва қишлоқлари, турли бурчакларида Наврўз — умумхалқ байрами сифатида катта шодиёнага айланиб кетгани ҳақида ҳикоя қилинади.

**Тошкент:** ўғил-қизларини етаклаб олган кишилар томошагоҳ томон шошилмоқда. Ҳар қадамда сумалак, ҳалим узатаётган пазандаларнинг қўлиқўлига тегмайди...

**Нукус:** одамларнинг кайфияти баланд! Бир-бирини Наврўз билан қутлашмоқда. Ҳамма марказий майдон сари талпинади.

**Бухоро:** вилоятнинг бутун шаҳару қишлоқлари ҳафта давомида байрам тусини олди.

Шунингдек, мазкур мақолаларда Навоий шаҳрида Наврўз айёмини Иттифоқ вазирлигига бўйсунувчи идораларда ҳам тарихда биринчи марта нишонлангани айтилади.

Республикамизнинг турли бурчакларидан келган бундай хабарлар одамларнинг кўкрагига шамол текканини, улар шодхуррам бўлганини, дилларда яшариш, кўтаринки кайфият ва сурур ҳукмрон эканини кўрсатади.

Наврўз байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 22 февралдаги фармойишига мувофиқ *жамият учун унча хавфи бўлмаган жиноят содир этган ва тўғри йўлга қатъий ўтиб олган шахсларни авф этиш юзасидан* комиссия тузилади.

Ўша йили Наврўз арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятга хавфи бўлмаган енгилроқ жиноятлари учун қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахсларни авф этиш ҳақида»ги Фармони эълон қилинган. Наврўзга жуда ҳамоҳанг бўлган инсонпарварлик ҳаракати туфайли мустабид тузум даврида арзимаган баҳона билан озодликдан маҳрум этилган 1000 нафарга яқин ватандошимиз авф этилган ва улар оилалари бағрига қайтган.

Маълумки, Наврўз қадим-қадимдан халқимиз, айниқса, қишлоқ кишилари учун экин-тикин байрами, кўклам юмушлари бошланиши бўлиб келган. Аммо, шўро замонида деҳқон учун тирикчилик манбаи бўлган томорқани чеклаш туфайли одамлар ердан узилиб, меҳнатдан совуб кетган эди.

«**Қаранг, бугунги кунда қишлоқларимиздаги 240 минг оиланинг ери йўқ. 1 миллион 800 мингдан кўпроқ ҳовли эса уй-жой қурилиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун кенгайтиришга жуда муҳтож бўлиб турипти. Қишлоқлардаги ҳар беш хонадоннинг бирида бирорта ҳам чорва мол, 37 фоизида сигир, ярмисида қўй боқилмаяпти»,** деган эди давлатимиз раҳбари.

Остонагача пахта экилган тор-тор ҳовлида беш-олтита оила тиқилиб яшаган ўша даврда одамлар не ҳасрат билан кун кечирганини тасаввур қилиш қийин эмас, албатта.

Айни ўша йилларда Президент Ислом Каримов қатъий туриб, маҳаллий ва марказий ҳокимиятнинг қаршилигини енгиб, миллионлаб оилаларга қўшимча ер ва томорқа берди.

Бир парча ерга зор, меҳнатга ташна деҳқонга томорқа, якка тартибда уй-жой қуриш учун ер ажратилиши ҳар бир кўнгилда байрам бўлиб, Наврўзга уланиб кетди, десак, хато бўлмайди.

1989 йил 15 августда қабул қилинган «Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорга биноан аҳолининг уй-жой қуриши ва мол сотиб олиши учун 243 миллион рубль маблағ ажратилди. Йилнинг охирига қадар 1 миллион 253 минг оилага 150 минг гектар суғориладиган ер бўлиб берилди. 21 минг бош бузоқ, 312,5 бош қўзи ва улоқ, 10,4 миллион товуқ меҳнаткашларнинг шахсий мулкига айланди.

Президент Ислом Каримовнинг 1991 йил 11 январдаги «Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва қишлоқ жойларда яшовчи бошқа фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини янада ривожлантиришга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига биноан яна 137 минг 246 гектар суғориладиган ер 1 миллион 221 минг 477 оилага қўшимча томорқа сифатида берилади.

Умуман олганда, ўша даврда томорқа туфайли қарийиб 9 миллион фуқаро, яъни, республика аҳолисининг деярли ярми, меҳнат қилиш ва иқтисодий тангликдан чиқиш имконига эга бўлган. Бу ишлар ҳали пахта сиёсати ўз кучини йўқотмаган шўро даврида қилинганини инобатга олсак, унинг аҳамияти яққол намоён бўлади.

1989-90 йилларда одамларга томорқадан ташқари, имтиёзли кредитлар, арзон нархларда қурилиш материаллари бериб турилган ва кўплаб чорва моллари, паррандалар тарқатилган. Айниқса, ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлам ҳар томонлама қўллаб-қувватланган. Мактаб ўқувчилари учун бепул нонушта ва тушликлар уюштирилган. Ёш келин-куёвларга арзон нархларда мебель ва уй жиҳозлари берилган. Ўзбек моделининг асосий устунларидан бири бўлган кучли ижтимоий ҳимоя тамойилига айнан ўша мураккаб, бутун миллат ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган даврда асос солинган.

Халқ манфаати ва миллат саодати учун минг машаққат билан қилинган бу хайрли ишлар Наврўз байрамини чинакам умумхалқ шодиёнасига айлантириб юборган. Миллионлаб ватандошларимиз қалбида келажакка умид ва ишонч уйғотган. Одамлар астойдил ишлашга, уй-жой қуришга киришган. Диёримиздаги бунёдкорлик, қуриш-яратиш ва бугунги ободликка ўшанда биринчи ғишт қўйилган.

1989-90 йилларда, «СССР» деб аталмиш салтанат бутун дунёга таҳдид солиб турган даврда Наврўз айёмини қайта тикланиши, Рўза ва Қурбон ҳайитлари дам олиш куни деб белгиланиши ва байрам қилиниши, ерга эгалик туйғуси уйғотилиши қаттол совет сиёсати, коммунистик мафкура илдизига болта уриш билан баробар эди, албатта.

Мана шу қатъий ҳаракат халқимиз қаддини тиклаб олишига замин яратди.

Наврўзнинг тикланиши миллат қадр-қимматини оширди, миллий ғурур уйғотди. Ўзбекистон тарихида янги давр бошланганидан, Мустақиллик сари дадил қадам ташланганидан дарак берди.

— **Ўзбекистоннинг келажаги яхшилик пойдеворига қурилмоғи шарт,** — дейди Президентимиз Ислом Каримов 1991 йил 18 декабрда. — **Чунки фақат яхшилик боқий яшайди. Одамларнинг одамларга яхшилиги! Юртларнинг юртларга яхшилиги! Миллатларнинг миллатларга яхшилиги! Бугуннинг келажакка яхшилиги!..**

Ўша оғир ва машаққатли йилларда бугунги ёруғ ва мунаввар кунларга шундай пойдевор қўйилган. Ҳақсизликка, зулмга нафрат, Ватанга чексиз муҳаббат, Озодликка, ойдинликка ва яхшиликка буюк интилиш унинг асосларини ташкил этади.

**Қуддус АЪЗАМ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

Электорат манфаати

# МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

**Узун туман ҳокимлиги, прокуратура, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ташаббуси билан Қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда 105 дан ортиқ корхона, ташкилот ва муассаса мавжуд 427 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Тадбирга 170 нафарга яқин вақтинча иш билан банд бўлмаган фуқаролар келди.**

— Ўтган йили саккиз марта меҳнат бозори ўтказилган эди, — дейди туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Алишер Дўстматов. — Тадбир натижасида мингга яқин киши муқим иш жойи билан таъминланди. Уларнинг асосий қисмини хотин-қизлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ташкил этди. Мустаҳкам оила йилида бўлиб ўтган ярмаркада эса 100 нафарга яқин фуқарога турли муассасаларда ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

Тумандаги «Тумарис-истиқлол-текстиль» ишлаб чиқариш хусусий корхонасига хориждан замонавий дастгоҳ келтирилгач, бу ерда болалар учун кийим ва пайпоқлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

— 2011 йил 4 миллион сўмдан ортиқ маҳсулот тайёрланди, — дейди корхона раҳбари Дилафрўз Тўхтасинова. — Жорий йилнинг охиригача бу кўрсаткич бир неча баробарга кўпайиши режалаштирилган. Бугунги тадбир биз учун ҳам айни муддао бўлди. Коллеж битирувчиларидан 10 нафари билан шартнома туздик. Маҳсулот турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳисобига йил охиригача 50 дан ортиқ янги иш ўрни очмоқчимиз.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Хориж

# МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

## таклиф этилди

***Украина Олий радасининг «БЮТ-Батькившина» фракцияси депутатлари сигарет чеккан ва спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳомиладор аёллар ва вояга етмаган ўсмирлар учун маъмурий жавобгарлик чораси кўрилишини назарда тутувчи янги қонун лойиҳасини тайёрлаб, парламент эътиборига ҳавола этди.***



Янги қонун лойиҳасига кўра, ҳомиладор аёл ёки вояга етмаган ўсмир жамоат жойида сигарет чекиб қўлга тушса, унга нисбатан 51 дан 85 гривенгача миқдорда жарима жазоси қўлланади. Спиртли ичимлик истеъмол қилган шахслар ҳам бундан мустасно эмас. Агар иккинчи бор шу айблар билан ушланса, жарима миқдори ортади, яъни 170 гривен тўлашга мажбур қилинади. 16 ёшгача бўлган ўсмирларнинг бу «қилиқ»лари учун ота-онаси жавобгар бўлади — жаримани улар тўлайдилар.

Бундай қонун лойиҳаси ишлаб чиқилишига сабаб, дейилади интернет сайтларидаги хабарларда, мамлакатда тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ортиб бораётганидир. Бу эса аҳолининг, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал салоҳияти ўтмаслашишига, улар соғлиғи ёмонлашиб боришига сабаб бўлаётир. Бундан ташқари, ҳомиладор аёллар тамаки чекиб ёки спиртли ичимлик истеъмол қилиб, ўз зурриёди соғлиғига катта зиён етказиши аниқ.

Умуман олганда, бу қонун лойиҳаси Украинада тамаки чекиш билан боғлиқ иккинчи меъёрий ҳужжатдир. Фақат бу ҳомиладор аёллар ва вояга етмаганларга тааллуқли бўлгани билан ажралиб туради. Аслида республикада бундай қонун амалда мавжуд. Жорий йилнинг 13 мартида эса Олий рада амалдаги ўша қонунга қўшимча ва тузатишлар киритди. Унга кўра, эндиликда жамоат жойларида — ресторан, кафе ва барларда, маданият муассасаларида, барча турдаги стадионларда чекиш тақиқланади.

# ҲАРБИЙ КИЙИМДА

## кўчада юриш тақиқланди



***Франция маъмурияти ҳарбий қисмларнинг аскар ва офицерлари кўчаларда ҳарбий кийимда юришларини тақиқлади. Бундан ташқари, ҳарбий қисмларга кириш кучайтирилган тартибда қўриқланадиган бўлди.***

Шу ойнинг ўзида ҳарбийларга нисбатан учта қотилликнинг содир этилиши бундай чоралар кўрилишига сабаб бўлди, дейилади «France Presse» АА хабарида.

Биринчи қотиллик 12 март куни Тулуза шаҳрида содир этилган, яъни номаълум шахс биринчи парашют-десант полкининг сержантини кўчада отиб кетган. 15 март куни эса Монтобанда (Тулузадан 50 километр шимолда) 17-парашют-десант полкининг икки ҳарбийси номаълум шахс томонидан отиб ўлдирилган ва учинчи ҳарбий эса яраланган.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, уч ҳарбийга отилган ўқлар бир хил калибрли қуролдан отилган.

Айни пайтда суриштирув-қидирув-тергов ишлари билан нафақат полиция шуғулланмоқда, балки терроризмга қарши кураш бўлинмаси мутахассислари ҳам бу ишга жалб қилинган.

# 40 МИНГГА ЯҚИН ҲАМШИРА

## иш жойига қайтди

***Кения соғлиқни сақлаш тизимининг 1 мартдан бери иш ташлаётган 40 мингга яқин ҳамшираси ҳукумат томонидан улар талаби қондирилгач, давлат тиббиёт муассасаларига, яъни ўз иш жойларига қайтди.***

Кения маъмуриятининг мазкур масала бўйича берган баёнотига асосланиб «Washington Post» газетаси бу ҳақда хабар тарқатди.

Кения соғлиқни сақлаш тизимининг касаба уюшмалари вакили Алекс Ориананинг айтишича, ҳукумат билан олиб борилган музокараларда тиббий ходимлар маошини юз фоизга ошириш масаласи бўйича ўзаро келишувга эришилди. Шунингдек, келгусида тиббиёт ходимлари даромадини ошириб бориш йўларини қидириб топиш ва айни пайтда соҳадаги 30 мингта бўш иш ўрнига малакали мутахассисларни ишга жалб этиш масаласи билан шуғулланувчи махсус ишчи гуруҳи тузиладиган бўлди.

Маълумки, Кения ҳамшираларининг жорий йил 1 мартда бошланган иш ташлаш акцияси барча тиббиёт муассасаларида иш жараёнини издан чиқарди. Кўплаб беморлар тиббиёт ходими етишмаслигидан азият чекди.

## «Ўзбекэнерго» ДАК 2012 йил 1 апрелдан бошлаб электр энергиясининг тарифлари ошганлигини маълум қилади.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган 2012 йил 15 мартдаги 19-03-22-05- ЎзР-11-2012 сонли Реестри**

I гуруҳ Саноат ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори.

Икки ставкали тариф:

бир йилга 1 кВт энг юқори юклама учун тўлов — 160 400 сўм

1 кВт соат истеъмол қилинган энергия учун тўлов — 76 сўм 50 тийин

II гуруҳ Саноат ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар,

уланган қувват 750 кВА гача.

Бир ставкали тариф:

1 кВт соат истеъмол қилинган энергия учун тўлов — 97 сўм 50 тийин

III гуруҳ Ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалиги истеъмолчилари, шу жумладан бюджетдан молиялаштириладиган насос станциялари — 97 сўм 50 тийин

IV гуруҳ Электрлаштирилган темир йўл ва шаҳар транспорти (электр тортиш) — 97 сўм 50 тийин

V гуруҳ Носаноат истеъмолчилар, бюджет ташкилотлари,

шаҳар кўчаларини ёритиш — 97 сўм 50 тийин

VI гуруҳ Савдо ташкилотлари, кафе, ресторанлар ва хизмат кўрсатиш

соҳаси корхоналари — 99 сўм 50 тийин

VII гуруҳ Аҳоли, аҳоли пунктлари — 97 сўм 50 тийин

Электр плиталар билан жиҳозланган турар-жой аҳолиси — 48 сўм 75 тийин

VIII гуруҳ Иситиш, иссиқ сув билан таъминлаш ва совутиш (кондициялаш)

эхтиёжларига ишлатиладиган электр энергияси — 97 сўм 50 тийин

IX гуруҳ Реклама, иллюминация — 110 сўм 00 тийин

X гуруҳ Энергетика тизимининг хўжалик эҳтиёжларига — 97 сўм 50 тийин

1. Ушбу тарифлар ҚҚС билан ўрнатилган.

2. Ушбу реестр кучга кириши билан 2011 йил 28 сентябрдан амал қилган 19-03-22-05-РЎз-48-2011 сонли Реестр ўз кучини йўқотади.

## ГАК «Узбекэнерго» сообщает о повышении цен за 1 кВт.ч электроэнергии с 1 апреля 2012 года

***Утверждено Министерством финансов Республики Узбекистан***
***Реестр №19-03-22-05-РУз-11-2012 от 15 марта 2012 года***

I группа Промышленные и приравненные к ним потребители с присоединенной мощностью 750 кВА и выше

Двухставочный тариф:

за 1 кВт максимальной нагрузки в год 160 400 сум за 1 кВт.ч потребляемой энергии 76 сум 50 тийин

II группа Промышленные и приравненные к ним потребители с присоединенной мощностью 750 кВА

Одноставочный тариф 97 сум 50 тийин

III группа Производственные сельскохозяйственные потребители, в т.ч. насосные станции, финансируемые из бюджета 97 сум 50 тийин

IV группа Электрифицированный железнодорожный и городской

транспорт (электротяга) 97 сум 50 тийин

V группа Непромышленные потребители, бюджетные организации,

уличное освещение городов 97 сум 50 тийин

VI группа Организации торговли, кафе, рестораны и сфера услуг 99 сум 50 тийин

VII группа Население, населенные пункты 97 сум 50 тийин

Население жилых домов, оборудованных электроплитами 48 сум 75 тийин

VIII группа Электрическая энергия, используемая на нужды отопления, горячеговодоснабжения и охлаждения (кондиционирования) 97 сум 50 тийин

IX группа Реклама и иллюминация 110 сум 00 тийин

X группа Хозяйственные нужды энергосистемы 97 сум 50 тийин

1. Настоящие тарифы установлены с учетом налога на добавленную стоимость.

2. С введением в действие настоящего реестра утрачивает силу реестр от 28 сентября 2011 года №19-03-22-05-РУз-48-2011.

Миллий матбуот маказида

# ЖУРНАЛИСТ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА

## назария ва амалиёт уйғунлиги ғоятда муҳим

**Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамкорлигида «Журналистика соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасидаги устувор вазифалар, тажриба ва амалиёт» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирни Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов олиб борди.**





Юртбошимиз 2011 йил Матубот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан журналистларга йўллаган табригида журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасида қуйидаги долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратган эди: **Соҳада кадрлар, хусусан, ёш журналистларни тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартириш, журналистик таълимга ихтисослашган олий ўқув юртларининг ўқув-методик базасини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, катта маҳорат ва ижодий тажрибага эга бўлган мутахассисларни, илғор педагогик технологияларни таълим жараёнига жалб этиш бўйича ҳам ҳали кўп иш қилишимиз керак. ...Айниқса, мустақил, янгича фикрлайдиган, истеъдодли ёшларга оммавий ахборот воситалари соҳасида кенг йўл очиб беришга қаратилган ишларни янада кучайтиришимиз зарурлигини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз.**

— Етук журналист кадрлар тайёрлашда назария ва амалиёт уйғунлигига эришиш муҳим аҳамиятга эга, — дейди **Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори, профессор, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ғофуржон Муҳамедов**. — Бугунги кунда ЎзМУ қошидаги журналистика факультетининг бакалавриат йўналишида 339 нафар, магистратурада 66 нафар, Олий журналистика курсларида эса 86 нафар талаба таҳсил олмоқда. Уларга 43 нафар профессор-ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда. Улардан 8 нафари фан доктори, 4 нафари профессор, 23 нафари фан номзодлари ва 7 нафари катта ўқитувчилардир. Буларнинг 10 нафари номзодлик ва докторлик диссертацияси устида тадқиқот олиб бормоқда. Улар қисқа вақт ичида ҳимояга чиқишади. Ўтган йили бир ўқитувчимиз фан номзоди, яна бири фан доктори унвонига сазовор бўлди. Айни пайтда факультетда матбуот, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар, оммавий алоқалар ва реклама, услубият ва таҳрир, интернет журналистикаси кафедралари фаолият юритмоқда.

Бўлғуси журналистлар учун тест синовлари олдидан ижодий имтиҳон топшириш ҳам белгиланган. Уларнинг интилиш ва изланишлари, матбуот нашрларида эълон қилинган ишлари малакали журналистлар ва таниқли ижодкорлар томонидан баҳоланади. Айнан шу мутахассислар талабаларнинг битирув имтиҳонида ҳам иштирок этишади. Икки йилдан бери бизнинг университетимизда ижодий имтиҳон икки босқичда ўтказиляпти. Бундан кўзланган мақсад бўлажак талабаларнинг ўз салоҳиятларини тўлароқ намоён этишларига имконият беришдир.

Сўнгги йилларда факультет профессор-ўқитувчилари томонидан талабаларнинг амалиёт ўташлари учун янги тизим ишлаб чиқилди. Унга кўра, талабалар юртимизда мавжуд соҳага оид барча муассасаларда амалиёт ўташмоқда, ўша жойларга ишга жойлашмоқда.

Давр талабига жавоб берадиган, замонавий журналист кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш, бу борадаги жаҳон тажрибаларини ўрганиш замон талабидир. Биз ушбу йўналишда, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча ОАВларини ҳамкорликка чақирамиз.

— Халқаро журналистика факультети бевосита Миллий университет журналистика факультети негизида шаклланган, — дейди **Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори Абдулла Исмаилов**. — Ҳозирги кунда талабаларга таълим бераётган бир қатор кучли мутахассислар ҳам айнан ЎзМУ кадрлари ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамасининг «Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1999 йил 26 февралдаги қарорига асосан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети таркибида халқаро журналистика факультети иш бошлаган эди.

Бу факультетнинг ташкил этилиши мустақиллик йилларида Республикамиздаги илк ислоҳотларнинг натижасидир. Мамлакатимиз жаҳонга юз тута бошлагач, чет давлатлар билан алоқалар ўрнатилди. Натижада халқаро журналистларга эҳтиёж пайдо бўлди. Халқаро журналистика факультетида бакалавр йўналиши бўйича ва бу йил биринчи марта спорт журналистикаси йўналишида магистрлар тайёрлана бошлади.

Халқаро журналистика факультети талабаларига журналистик билим бериш билан бир қаторда уларнинг хорижий тилларни ўрганишлари учун катта имкониятлар яратилган. Факультетда чет тили сифатида инглиз, араб, немис, испан, хитой, япон, форс, француз, польяк тиллари ўргатилмоқда.

Ҳозирги кунда факультетда тўртта кафедра фаолият кўрсатмоқда. Булар жаҳон журналистика назарияси ва амалиёти, аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация, сиёсий менежмент ва халқаро журналистика ҳамда, тил ва адабиёт кафедраларидир. Халқаро журналистика ҳозир ўз олдига шундай мақсадлар қўймоқдаки, келжакда бизнинг журналистларимиз энг аввало мамлакатимиз манфаатларини ҳимоя қила олишлари керак. Журналистларимиз жаҳон ҳамжамиятининг тез ўзгариб бораётган сиёсатини таҳлил қилган ҳолда халқимизга етказишлари ва ўз навбатида юртимизда бўлаётган сиёсий жараёнларни жаҳон оммасига тақдим этишлари зарур. Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда биз ўзбек журналистикасида тез ўзгарувчан, янгиликлар билан бойитиладиган тизимни яратишимиз керак.

Мен тиббиёт олий ўқув юртларида мавжуд бўлган бир анъанага эътиборингизни қаратмоқчиман. Мазкур таълим даргоҳлари кафедралари бевосита шифохоналарда жойлашган. Профессор-ўқитувчилар дарс ўтиш жараёнида мавзуни амалиётда кўрсатган ҳолда тушунтира оладилар. Айнан тиббиёт олий ўқув юртларидаги бу жараён биз учун жуда зарур. Ҳар қандай кучли журналист аввало амалиётда тобланади, шаклланади.

— Журналист кадрларни тайёрлашда энг муҳим масала юқорида таъкидланганидек амалиётдир, — дейди **Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори, сиёсий фанлар доктори Қаҳрамон Куронбоев**. — Айни пайтда ЎзМУ журналистика факультетида ташкил этилган телевидение ва радио студияларида, матбуотчилар учун бўлиб ўтаётган маҳорат дарсларида назарий билимларни амалда қўллаб кўриш имкони мавжуд. Аммо бевосита соҳага тегишли бўлган жойларда амалиёт ўташ талаба учун катта тажриба бўлиши шубҳасиз. Бу йилдан бошлаб вилоят оммавий ахборот воситаларида амалиёт ўтаётган талабаларни назорат қилиш мақсадида факультет профессор-ўқитувчилари томонидан республикамиздаги барча ОАВлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Айниқса, устоз журналистларнинг кўп йиллик тажрибаларини ўрганиш, турли мавзуларда учрашувлар ўтказиш, маҳорат дарсларини уларнинг ижод лабораторияларида ўтиш ижобий натижа бериши аниқ.

— Журналистика бошқа соҳалардан фарқли равишда назарий билим ва амалиёт туташувида ривожланади, — дейди **Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети декани, филология фанлари номзоди, доцент Акбар Нурматов.** — Талабаларга биринчи курсдан янгиликлар журналистикаси фани ўқитилиши жараёнида деворий газеталар билан ишлаш тушунтирилади. Иккинчи семестрдан бошлаб эса махсус амалиёт ўтилади. Бу ўз навбатида танишув бўлади. Бу жараён то талаба ўқишни тугатгунига қадар давом этади. Биринчи курсда талабаларимиз босма нашрларда амалиёт ўташса, кейинги йилларда телевидение, радио, интернет нашрлари ва ахборот хизматларида амалиёт ўташади. Ҳар йили ноябрь ойида нуфузли газеталарнинг муҳаррирлари иштирокида конференция ўтказамиз ва амалиётни энг яхши ўтаган талабаларни тақдирлаб борамиз. Кейинги уч йилда таҳририятларнинг деярли ҳаммаси билан шартнома туздик. Унга асосан талабаларимиз ўша жойларда амалиёт ўташмоқда. Муаммолар ҳам йўқ эмас. Уларни бартараф этишга ҳаракат қиламиз. Сўнгги йилларда бироз сусткашликка йўл қўйилганини тан олган ҳолда янги режалар борлигини таъкидламоқчиман. Яъни таҳририятларда факультетнинг ижодий лабораторияларини ташкил этмоқчимиз...

**Матбуот анжуманида устозларнинг фикрини тинглар эканман, ўзимнинг бакалавр йўналишида таълим олган даврим кўз олдимга келди. Биринчи курсдан бошлаб «Ўзбекистон овози» газетасида ишлай бошладим. Таъкидлаш жоиз, бу мен учун жуда катта тажриба мактабини ўтади. Мақола ёзиш, уни таҳрир қилиш, муаллифлар билан ишлаш борасида кўп нарса ўргандим ва бу жараён давом этмоқда. Дарҳақиқат, журналистикада назария ва амалиётнинг ҳамоҳанглиги ғоят муҳим.**

**Ҳозирги замон журналисти нафақат яхши мақола ёза олиши, балки компьютер технологиясини, чет тилларни, интернет тизимини яхши билиши керак. Бу борада юқорида номлари қайд қилинган икки факультетда зарур ишлар амалга оширилмоқда ва ўйлаймизки, бу жараён янада такомиллашади.**

**Бугун мамлакатимизда шиддат билан ўзгариб янгиланиб бораётган ҳаёт, дунёдаги геосиёсий манфаатлар тўқнашуви биздан чуқур билимга эга бўлишни, журъат ва жасорат кўрсатиб ишлашни талаб этмоқда.**

**Темур АЪЗАМ,**
**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети магистранти,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Миннатдорлик

# МОЛИЯВИЙ КЎМАК ЭВАЗИГА

**Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан ажаратилаётган кридетлар кичик бизнес субъектлари, ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Жамиятимиз беш йилдан буён Шаҳрихон тумани аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.**

Аҳолининг замонавий компьютер томографиясига бўлган эҳтиёжини инобатга олиб, «Асака» ДАТ банки (ОАЖ) «Фарҳод» филиалига узоқ муддатли кредит сўраб мурожаат қилдик. Банк ходимлари томонидан тегишли ҳужжатлар тезда ўрганиб чиқилиб, ижобий хулоса берилди. Натижада, банкдан олинган кредит ҳисобига Хитойда ишлаб чиқарилган «BRIVO ST 325» русумли компьютер томографияси сотиб олинди. Бугунги кунда мазкур замонавий технология ёрдамида беморларга аниқ ташхис қуйиш имконияти яратилди.

Қўшимча еттита иш ўрни ҳам очилди. Ҳозир жамиятимизда 21 нафар киши ишламоқда, шундан 18 таси аёллардир. Келгусида ходимларимиз сонини 30 тага етказишни режалаштирмоқдамиз.

Эътиборлиси, лойиҳамиз амалга ошиши натижасида бир иш кунида 50 га яқин беморга компьютер томографияси ва 30 га яқин беморга эса «УЗИ» техникаси ёрдамида аниқ ташхис қўйиш, шунингдек, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш ва маслаҳат бериш шароити туғилди. Бунда албатта «Асака» банки (ОАЖ) «Фарҳод» филиалининг катта ҳиссаси бор. Келажакда ҳам мазкур молиявий муассаса билан ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаб, ўз фаолиятимизни кенгайтиришни режалаштирмоқдамиз.

**Абдумажид РАҲИМОВ,**
**«Тонг Ташхиз» МЧЖ раҳбари.**

**ОБ-ҲАВО 20-21– 03. 2012**

*Юртимиз бўйлаб (°C)*

| Ҳудуд | Кечаси | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | -3 / -8 | 0 / +5 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | 0 / -5 | +2 / +7 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | 0 / -5 | +2/+7 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | -3 / +2 | +3 / +8 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | 0 / -5 | 0 / +5 |
| Тошкент шаҳри | -3 / -3 | +5 / +7 |

*Дунё бўйлаб (°C)*

| | |
|---|---|
| Лондон | +6 / +10 |
| Париж | +5 / +3 |
| Москва | -1 / -1 |
| Мадрид | +2 / +3 |
| Пекин | +2 / +4 |
| Гонгконг | +19/ +18 |
| Рим | +6 / +6 |
| Анқара | -2/ -2 |
| Токио | +5/ +5 |
| Стокгольм | 0 / -1 |
| Кейптаун | +15 / +17 |
| Қоҳира | +12 / +14 |
| Гавана | +24 / +24 |
| Вашингтон | +13 / +13 |

Наврўз шодиёнаси

# ДЎСТЛИК, БИРДАМЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК БАЙРАМИ

**Азербайжаннинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан Ҳайдар Алиев номидаги Азербайжан маданият марказида Наврўз байрами бўлиб ўтди. Унда Ўзбек — Азербайжан дўстлик жамияти фаоллари, Азербайжандан ташриф буюрган меҳмонлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

— Наврўз неча минг йиллик тарихга эга бўлган, ажойиб байрамлардан биридир, — дейди **Азербайжаннинг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили Акиф Алиев**. — Бу байрамни жаҳоннинг жуда кўп халқлари нишонлайди. Шунинг учун ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош ассамблеяси 21 мартни Халқаро Наврўз куни деб эълон қилган.

Байрам тантаналари доирасида Азербайжан элчихонаси томонидан 55 нафар оилага байрам совғалари топширилди. Зотан, ушбу айёмда одамлар аҳволидан хабар олиш, эзгу ва хайрли амалларни бажариш Наврўзни байрам қиладиган халқлар учун асрий анъанага айланган.

Шундан кейин Наврўз куй-қўшиқлари, тилаклари, табриклари бошланди. Азер миллий кийимларидаги йигит ва қизлар меҳмонларни Азербайжан миллий таомлари тортилган байрам дастурхонига таклиф этишди.

Азербайжанда хизмат кўрсатган артист Кекяб Алиева бошчилигидаги «Азербайжан қизлари» рақс ансамбли томонидан азер ва ўзбек қўшиқларига тайёрланган рақс дастури меҳмонларнинг олқишига сазовор бўлди. Байрам тантанасида хонанда Юлдуз Турдиева, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабалари Озод Соипов, Лола Раҳмонова ҳам иштирок этиб, ўзбек миллий қўшиқларини ижро этишди.



Муродбек ЗИЁ олган сурат.

Наврўз — эзгулик, яхшилик, бағрикенглик, тотувлик байрами. У ҳар биримизнинг қалбларимизда мана шу туйғуларни уйғотади. Элчихонада бўлиб ўтган Наврўз байрами ҳам бу фикримизни тасдиқлаб турибди.

**Темур ХУДОЙБЕРДИЕВ**

Спорт

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ ГРОССМЕЙСТЕРИ

## Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган анъанавий халқаро турнир ниҳоясига етди

**Олтинчи маротаба ўтказилган мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг ўн тўрт давлатидан келган 113 нафар шоҳмот устаси ғолиблик учун дона сурди. Швейцарча тизимда уюштирилган баҳслар «Шодлик палас» меҳмонхонаси ҳамда Ўзбекистон шоҳмот федерацияси залларида бўлиб ўтди.**

Турнирнинг эркаклар ўртасидаги учрашувларида россиялик таниқли гроссмейстер Максим Туров бош совринни қўлга киритди. Грузиялик Михаил Мчедлишвили иккинчи ўринни банд этган бўлса, ҳамюртимиз Антон Филиппов фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Аёллар ўртасидаги баҳслар ҳам муросасиз кечди. Унда иқтидорли шоҳмотчимиз Нафиса Мўминовага тенг келадигани топилмади. Қозоғистонлик Гулисхон Нахбаева иккинчи ўринга муносиб топилган бўлса, яна бир ҳамюртимиз Сарвиноз Қурбонбоева кучли учликдан жой олди.



Суратда: Нафиса Мўминова.

# САРАЛАШ УЧРАШУВЛАРИ

*Кеча пойтахтимизнинг «Ўзбекистон» спорт мажмуасида футзал бўйича клублар ўртасида Осиё чемпионати «А» гуруҳи саралаш учрашувлари бошланди. Унда Ўзбекистон чемпиони «Ардус» жамоаси Осиё чемпионати финал босқичига йўлланма олиш учун Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Васл», Қатарнинг «Ар-Райян», Қирғизистоннинг «Налоговик», Ироқнинг «Ал-Карх» футзалчиларига қарши кураш олиб бормоқда.*

*Тақвимга кўра, мусобақанинг дастлабки кунида «Ардус» вакиллари «Ал-Васл» (БАА) жамоасига қарши (2:1) майдонга тушган бўлса, иккинчи ўйинда «Ар-Райян» (Қатар) – «Налоговик» (Қирғизистон) футзалчилари ўзаро куч синашди.*

**24 мартга қадар давом этадиган саралаш учрашувларининг тақвими қуйидагича:**

**2-тур**

**20 март, сешанба**
16:00. «Налоговик» (Қирғизистон) – «Ардус» (Ўзбекистон)
19:00. «Ал-Васл» (БАА) – «Ал-Карх» (Ироқ)

**3-тур**

**21 март, чоршанба**
16:00. «Ал-Карх» (Ироқ) – «Ар-Райян» (Қатар)
19:00. «Ал-Васл» (БАА) – «Налоговик» (Қирғизистон)

**4-тур**

**23 март, жума**
16:00. «Ар-Райян» (Қатар) – «Ал-Васл» (БАА)
19:00. «Ал-Карх» (Ироқ) – «Ардус» (Ўзбекистон)

**5-тур**

**24 март, шанба**
16:00. «Налоговик» (Қирғизистон) – «Ал-Карх» (Ироқ)
19:00. «Ардус» (Ўзбекистон) – «Ар-Райян» (Қатар).

*Эслатиб ўтамиз, мусобақа низомига мувофиқ, гуруҳда дастлабки икки ўринни эгаллаган жамоалар клублар ўртасида бўладиган Осиё чемпионати финал босқичига йўлланмани қўлга киритади. Қитъа чемпионати шу йилнинг 1-7 июль кунлари Қувайтда бўлиб ўтиши режалаштирилган.*

**Эркин ХОЛБОБО**

1993 йил 1 февралда Хусанова Фотима Иргашевна номига берилган Сергели-1, 7-уй, 40-хонадонга тегишли №06-01/7536 рақамли давлат ордери йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси партия Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Улуғбек Вафаевга укаси
**Алишер ВАФАЕВ**нинг
бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши Ғаллаорол тумани кенгаши раиси Меҳри Бобоевага отаси
**Усмон ТОЖИЕВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Реклама ва эълонлар







Халқаро тараққиёт уюшмаси кредит маблағлари асосида «Фарғона ҳудудий электр тармоқлари» ОАЖ 0,4 кВ.ли электр тармоқларини реконструкция қилиш дастурига асосан қуйидаги электр қурилмалари ва материалларини харид қилиш учун 2012 йил 28 март куни танлов эълон қилади.

1.КТПс — 100,160,250 кВА трансформатор пунктлари.

2.0,4 кВ.ли ҳаво электр узатиш тармоқлари учун изоляцияланган махсус СИП—2,СИП—4 симлари.

Тўловлар Халқаро тараққиёт уюшмаси томонидан олинадиган кредит ҳисобидан амалга оширилади.

Мурожаат учун телефон:
(8-373) 223-65-90.






Реклама




# ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ

уюшмаси жамоаси

халқимизни баҳор,
нафосат ва гўзаллик байрами —
НАВРЎЗИ ОЛАМ билан
муборакбод этади!

Қир-адирлар, боғ-роғлар яшил либосга бурканаётган шу кунлардаги қувонч йил бўйи ҳамроҳингиз бўлсин!

Яшариш ва янгиланиш айёми барчамизнинг хонадонимизга қут-барака, омад ва бахт келтирсин!

Мафтункор диёримиз осмони мусаффо, истиқболи порлоқ, сарҳадлари тинч ва осойишта бўлсин!

Толеимиз баланд,
мустақиллигимиз абадий бўлсин,
азиз ватандошлар!

# ЎЗБЕКИСТОН ҚАТТИҚ ҚОТИШМАЛАР ВА ЎТГА ЧИДАМЛИ МЕТАЛЛАР КОМБИНАТИ

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси



юртдошларимизни
баҳор байрами, нафосат ва
гўзаллик айёми —
НАВРЎЗИ ОЛАМ
билан табриклайди!

Наврўз — умумхалқ байрами, Она табиатнинг уйғониши, меҳр-мурувват ва орзу-умидлар рамзидир.

Тилагимиз бутун борлиққа янгича сурур бахш этаётган бу улуғ айём юртимизга қут-барака, хонадонларимизга файзу тароват олиб кирсин! Ватанимиз осмони мусаффо, юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлсин!

Наврўзи олам муборак,
азиз ҳамюртлар!



Реклама



# «Шўртангазкимё»

## мажмуаси жамоаси



барча юртдошларимизни кириб келаётган Наврўзи олам — уйғониш ва яшариш айёми билан муборакбод этади!





Бахт ва эзгулик байрами барчамизга муборак бўлсин!
Яхши ниятларимиз амалга ошсин!
Наврўз шодиёнаси шукуҳи йил бўйи қалбларимизни тарк этмасин!




Реклама










**MUASSIS:**
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY'ATI:**
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

**BO'LIMLAR:**
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

**MANZILIMIZ:** 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 346
19850 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.15
Topshirilgan vaqti — 00.45

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: To'lqin TO'RAXONOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5